

**НАМАНГАН МУҲАНДИСЛИК ТЕХНОЛОГИЯ ИНСТИТУТИ**  
**ҲУЗУРИДАГИ ИЛМИЙ ДАРАЖАЛАР БЕРУВЧИ**  
**DSc.03/29.08.2023.К/Т.66.02 РАҚАМЛИ ИЛМИЙ КЕНГАШ**

---

**НАМАНГАН МУҲАНДИСЛИ-ТЕХНОЛОГИЯ ИНСТИТУТИ**

**ҚАНОАТОВ ХАЙРУЛЛО МУРОДИЛЛАЕВИЧ**

**ОРГАНИК ЧИҚИНДИЛАР, ФОСФОР ТУТУВЧИ ХОМ АШЁ ВА**  
**МИКРООРГАНИЗМЛАР КОНСОРЦИУМИ АСОСИДА**  
**БИООРГАНОМИНЕРАЛ ЎҒИТЛАР ОЛИШНИНГ ЖАДАЛЛАШГАН**  
**ТЕХНОЛОГИЯСИНИ ИШЛАБ ЧИҚИШ**

**02.00.13 – Ноорганик моддалар ва улар асосидаги материаллар технологияси**

**ТЕХНИКА ФАНЛАРИ ДОКТОРИ (DSc)**  
**ДИССЕРТАЦИЯСИ АВТОРЕФЕРАТИ**

**Наманган – 2024**

**Фан доктори (DSc) диссертацияси автореферати мундарижаси**  
**Оглавление автореферата диссертации доктора наук (DSc)**  
**Content of the dissertation abstract of doctor of science (DSc)**

**Қаноатов Хайрулло Муродиллаевич**

Органик чиқиндилар, фосфор тутувчи хом ашё ва микроорганизмлар консорциуми асосида биоорганоминерал ўғитлар олишнинг жадаллашган технологиясини ишлаб чиқиш ..... 5

**Қаноатов Хайрулло Муродиллаевич**

Разработка интенсивной технологии биоорганоминеральных удобрений на основе органический отходов, фосфорсодержащего сырья и консорциума микроорганизмов ..... 29

**Kanoatov Khayrullo Murodillayevich**

Development of intensive technology of bioorganomineral fertilizers based on organic waste, phosphorus-containing raw materials and a consortium of microorganisms ..... 55

**Эълон қилинган ишлар рўйхати**

Список опубликованных работ  
 List of published works..... 59

**НАМАНГАН МУҲАНДИСЛИК ТЕХНОЛОГИЯ ИНСТИТУТИ**  
**ҲУЗУРИДАГИ ИЛМИЙ ДАРАЖАЛАР БЕРУВЧИ**  
**DSc.03/29.08.2023.К/Т.66.02 РАҚАМЛИ ИЛМИЙ КЕНГАШ**  

---

**НАМАНГАН МУҲАНДИСЛИ-ТЕХНОЛОГИЯ ИНСТИТУТИ**

**ҚАНОАТОВ ХАЙРУЛЛО МУРОДИЛЛАЕВИЧ**

**ОРГАНИК ЧИҚИНДИЛАР, ФОСФОР ТУТУВЧИ ХОМ АШЁ ВА**  
**МИКРООРГАНИЗМЛАР КОНСОРЦИУМИ АСОСИДА**  
**БИООРГАНОМИНЕРАЛ ЎҒИТЛАР ОЛИШНИНГ ЖАДАЛЛАШГАН**  
**ТЕХНОЛОГИЯСИНИ ИШЛАБ ЧИҚИШ**

**02.00.13 – Ноорганик моддалар ва улар асосидаги материаллар технологияси**

**ТЕХНИКА ФАНЛАРИ ДОКТОРИ (DSc)**  
**ДИССЕРТАЦИЯСИ АВТОРЕФЕРАТИ**

**Наманган – 2024**

**Фан доктори (DSc) диссертацияси мавзуси Ўзбекистон Республикаси Олий таълим, фан ва инновациялар вазирлиги ҳузуридаги Олий аттестация комиссиясида В2024.1.DSc/T734 рақам билан рўйхатга олинган.**

Диссертация иши Наманган муҳандислик-технология институтида бажарилган.

Диссертация автореферати уч тилда (ўзбек, рус, инглиз (резюме)) Илмий кенгаш веб-саҳифасида ([www.nammti.uz](http://www.nammti.uz)) ва «ZiyoNet» ахборот таълим парталида ([www.ziynet.uz](http://www.ziynet.uz)) жойлаштирилган.

<b>Илмий маслаҳатчи:</b>	<b>Усанбаев Нажимуддин Халмурзаевич</b> техника фанлари доктори, катта илмий ходим
<b>Расмий оппонентлар:</b>	<b>Тўраев Зокиржон</b> техника фанлари доктори, профессор <b>Жуманова Миясар Ортиковна</b> техника фанлари доктори, катта илмий ходим <b>Турдиалиев Умид Мухтаралиевич</b> техника фанлари доктори, катта илмий ходим
<b>Етакчи ташкилот:</b>	<b>Фарғона политехника институти</b>

Диссертация ҳимояси Наманган муҳандислик-технология институти ҳузуридаги илмий даража берувчи DSc.03/29.08.2023.К/Т.66.02 рақамли Илмий кенгашнинг 2024 йил “16” апрел соат 15<sup>00</sup> даги мажлисида бўлиб ўтади (Манзил: 160115, Наманган шаҳри, Косонсой кўчаси, 7-уй. Тел.: (69) 225-10-07, факс: (69) 228-76-75, e-mail: [niei\\_info@edu.uz](mailto:niei_info@edu.uz), Наманган муҳандислик-технология институти 3- бино, 1-қават, 303 ауд.).

Диссертация билан Наманган муҳандислик-технология институтининг Ахборот-ресурс марказида танишиш мумкин (278-рақам билан рўйхатга олинган). Манзил: 160115, Наманган ш., Косонсой кўчаси, 7-уй. Тел.: (69) 225-10-07.

Диссертация автореферати 2024 йил “1” апрел куни тарқатилди.

(2024 йил “1” апрелдаги № 5-рақамли реестр баённомаси)

**О.К. Эргашев**

Илмий даража берувчи илмий кенгаш асосидаги бир марталик илмий кенгаш раиси, кимё фанлари доктори, профессор

**Д.Ш. Шеркузиёв**

Илмий даража берувчи илмий кенгаш асосидаги бир марталик илмий кенгаш котиби, техника фанлари доктори, профессор

**А.С. Боймирзаев.**

Илмий даража берувчи илмий кенгаш қошидаги бир марталик илмий семинар раиси, кимё фанлари доктори, профессор

### **КИРИШ (фан доктори (DSc) диссертацияси аннотацияси)**

**Диссертация мавзусининг долзарблиги ва зарурати.** Дунёда тупроқлар унумдорлигини сақлашда ва деградацияланган тупроқларни қайта тиклашда, атроф-муҳит экологик ҳолатини яхшилашда, қишлоқ хўжалиги экинларининг ҳосилдорлигини оширишда, ҳамда аҳолини сифатли озиқ-овқат маҳсулотлари билан таъминлашда органик моддаларнинг маълум даражада айланишини таъминлаш билан олинадиган биоорганик минерал ўғитларни (БЎ) қўллаш алоҳида ўрин тутди. Моддаларнинг маълум даражада айланишини таъминлаш билан олинадиган БЎ қўлланилганда қишлоқ хўжалиги экинларидан юқори ва сифатли ҳосил олиш ва деградацияга учраган тупроқларни қайта тиклаш имконияти яратилади. Бу борада, органик моддаларни гумификациялаш учун биопрепаратлардан фойдаланган ҳолда чорвачилик, паррандачилик ва ўсимликларнинг органик чиқиндилари, шунингдек турли хил агрорудалар асосида БЎ олиш ва фойдаланиш муҳим аҳамият касб этади.

Жаҳонда органик моддаларни гумификациялаш учун биопрепаратлар, шунингдек атмосферанинг молекуляр азотини ўзлаштирувчи микроорганизмлардан фойдаланиб келиб чиқиши ўсимликларга оид органик моддалар, чорвачилик, паррандачилик чиқиндилари, саноат чиқиндилари ва минерал хом ашё ресурслари асосида агорокимёвий самарадорлиги юқори бўлган БЎ ва мелиорантлар олишнинг экологик ҳавфсиз технологияларини ишлаб чиқиш бўйича илмий изланишлар олиб борилмоқда. Бу борада қишлоқ хўжалиги фаолияти натижасида ҳосил бўлган моддаларнинг айланишини таъминлашга, зарарли моддалар ҳосил бўлишини ва атмосферага чиқарилишини камайтиришга; органик моддаларни гумификациялаш учун биопрепаратлар, шунингдек атмосферанинг молекуляр азотини ўзлаштирувчи микроорганизмлардан фойдаланиб чорвачилик, паррандачилик ва келиб чиқиши ўсимликларга оид органик чиқиндиларни, фосфат хомашёсини (ФХ) қайта ишлаб БЎ олишнинг мақбул шароитларини аниқлашга алоҳида эътибор қаратилмоқда.

Республикада чорвачилик, паррандачилик, келиб чиқиши ўсимликларга оид органик чиқиндилар, ФХ ва турли агрорудалар асосида юқори агорокимёвий самарадорликка эга бўлган турли минерал, органик минерал ўғитлар ва мелиорантлар олишнинг экологик ҳавсиз технологияларини ишлаб чиқиш ва уларни ўсимликларни ўсиши ва ривожланишига, шунингдек тупроқ унумдорлигига таъсирини ўрганиш бўйича илмий тадқиқотлар олиб борилмоқда. Ўзбекистон Республикасини 2022-2026-йилларга мўлжалланган янги Ўзбекистонни тарақиёт стратегиясида «Мавжуд имкониятларни тўлиқ ишга солган ҳолда маҳаллий саноат тармоқлари экспорт салоҳиятини янада ривожлантириш - ҳар бир тармоқ кесимида чора тадбирлар режасини ишлаб чиқиш ва тасдиқлаш, шу жумладан: минерал ўғитлар ва кимё саноати маҳсулотлари экспортини 400 млн АҚШ доллариға етказиш...»<sup>1</sup> каби муҳим

---

<sup>1</sup> Ўзбекистон Республикаси Президентининг “Ўзбекистон Республикасининг 2022-2026 йилларга мўлжалланган янги Ҳаракатлар стратегияси» тўғрисидаги Фармони

вазифалар белгилаб берилган. Шу сабабдан, турли озукавий компонентлар ва фойдали микроорганизмлар тутган БЎ олиш технологиясини ишлаб чиқиш тупроқлар унумдорлигини яхшилаш ва дегредацияга учраган тупроқларни қайта тиклашда муҳим аҳамиятга эга.

Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2022 йил 28 январдаги ПФ-60-сонли “2022-2026 йилларга мўлжалланган Янги Ўзбекистон Ҳаракатлар стратегияси тўғрисида”ги, 2019 йил 23 октябрдаги ПФ-5853 сонли “Ўзбекистон Республикаси қишлоқ хўжалигини ривожантиришнинг 2020-2030 йилларга мўлжалланган стратегиясини тасдиқлаш тўғрисида”ги, 2019 йил 17 июндаги ПФ-5742 сонли “Қишлоқ хўжалигида ер ва сув ресурсларидан самарали фойдаланиш чора-тадбирлари тўғрисида” ги фармонлари ҳамда 2022 йил 10 июндаги ПҚ-277 “Ер дегредациясига қарши самарали тизимни яратиш чора-тадбирлари тўғрисида”ги Қарорлари ҳамда мазкур фаолиятга тегишли бошқа меъёрий-ҳуқуқий ҳужжатларда белгиланган вазифаларни амалга оширишга мазкур диссертация тадқиқоти муайян даражада хизмат қилади.

**Тадқиқотнинг республика фан ва технологияларини ривожлантиришнинг асосий устувор йўналишларга мослиги.** Мазкур тадқиқот республика фан ва технологиялар ривожланишининг VII «Кимё технологиялари ва нанотехнологиялар» устувор йўналишига мувофиқ бажарилган.

**Диссертация мавзуси бўйича хорижий илмий-тадқиқотлар шарҳи<sup>2</sup>.** Дунёнинг етакчи илмий марказлари ва олий ўқув юртларида келиб чиқиши ўсимликларга оид органик моддалар, чорвачилик, паррандачилик, саноат чиқиндилари, минерал хом ашё ресурслари, агрорудалар, органик моддаларни гумификацияланишини тезлаштирувчи микроорганизмлар ва атмосфера молекуляр азотини ўзлаштирувчи микроорганизмлар асосида тупроқ унумдорлигини яхшилаш ва дегредацияга учраган тупроқларни қайта тиклаш имконини берадиган БЎ, мелиорантлар, биопепаратларни олишга йўналтирилган илмий изланишлар жаҳоннинг етакчи илмий марказлари ва олий таълим муассасалари, жумладан American Хуматес Инс. (АҚШ), Indian Institute of Technology (Ҳиндистон), Concho Petroleum Co, Scientific and Applied Processes Pty. Ltd, American Colloid Company, Nihon kabayto kogyo Kabushiki Kaisha (Япония), Kogyo gidzyutsu intyo, Kamishimo Kagaku Kogyo Kabushiki Kaisha, Kessel und Waggonban (Австрия), Hunnon dzyukagaku koge k.k., Oesterreichisch-Alpine Montangesellschaft, Iran University of Science and Technology (Эрон), Simmering-Graz-Panker AG fur Maschinen, Ўғитлар ва инсектофунгицидлар илмий-тадқиқот институти (Россия) ҳамда Умумий ва ноорганик кимё институтларида (Ўзбекистон) олиб борилмоқда.

Дунёда келиб чиқиши ўсимликларга оид органик ресурслар, чорвачилик, паррандачилик чиқиндилари, ФХ, органик моддаларни гумификация-

---

<sup>2</sup> Диссертация мавзуси бўйича хорижий илмий-тадқиқотлар шарҳи: <http://www.fipr.state.fl.us>; <https://www.dobersek.com/ru>; <http://www.ins.pulawy.pl>; <http://en.ustc.edu.cn>; <http://www.chemistry.or.jp/en>; <http://dmpe.aut.ac.ir>; <http://www.chemistry.iitkgp.ac.in>; <http://www.just.edu.jo>; <http://www.niuf.ru>; <https://spb.ucheba.ru>; <https://www.ionx.uz> ва бошқа манбалар асосида ишлаб чиқилган.

ланишини таъминлайдиган, атмосфера молекуляр азотини ўзлаштирадиган микроорганизмлар асосида БЎ олишга оид олиб борилган тадқиқотлар натижасида қатор, жумладан, қуйидаги илмий натижалар олинган: паррандачилик чиқиндисидан органик қисмини анаэроб шароитда микробиологик деструкциялаш йўли билан қайта ишлашнинг энергиятежамкор чиқиндисиз технологияси ишлаб чиқилган (Саратов Давлат Аграр университети, Россия); қорамол гўнги (ҚМГ), паррандачилик чиқиндилари, қоғоз парчалари, ўрмон хўжалиги чиқиндиларини биоферментация йўли билан органик ўғитларга қайта ишлашнинг жадаллашган технологияси ишлаб чиқилган (Агроинженерия ва қишлоқ хўжалиги ишлаб чиқаришининг экологик муаммолари институти (АҚХЭМИ), Россия); ўсимлик қолдиқларини органик ўғитларга қайта ишлаш технологияси (California Organic Fertilizers, Inc, АҚШ); органик чиқиндиларга тош кукунлари, табиий фосфатлар, тупроқ, сульфат ва оҳактутувчи минералларни қўшиш орқали биоўғитларни олиш усули ишлаб чиқилган (Indian Institute of Technology Бомбей, Индия); таркибида гумин кислотаси (ГК) тутган азот-гумусли ўғитларни олиш усули ишлаб чиқилган (American Colloid Company США); лигнинни аммоний гидроксид билан таъсирлашуви йўли орқали ўсимлик ўсиши учун донатор стимуляторни олиш усули (Concho Petroleum Co, США) ишлаб чиқилган.

Дунёда келиб чиқиши ўсимликларга оид органик моддалар, чорвачилик, паррандачилик чиқиндилари, саноат чиқиндилари ва минерал ресурслар асосида органик моддаларни гумификацияланишини тезлаштирувчи, атмосферани молекуляр азотини ўзлаштирадиган микроорганизмларни ўз ичига олган БЎ олиш технологиясини ишлаб чиқиш бўйича қатор, жумладан қуйидаги устивор йўналишларда: ўсимликларга оид органик чиқиндиларини гумус моддаларга (ГМ) айлантириш шароитларини аниқлаш; органик моддаларни гумификацияланишини тезлаштирувчи ва атмосферани молекуляр азотини ўзлаштирувчи микроорганизмлардан, ФХ, бентонит, вермикулитлардан фойдаланиб чорвачилик, паррандачилик чиқиндиларини қайта ишлашнинг экологик хавфсиз технологияларини ишлаб чиқиш; атроф-муҳитга зарарли таъсирини камайтириш мақсадида органик моддаларни гумификацияланишини тезлаштирадиган микроорганизмлардан фойдаланган ҳолда парранда чиқиндиларини қайта ишлашнинг жадаллашган технологиясини ишлаб чиқиш бўйича тадқиқотлар олиб борилмоқда.

**Муаммонинг ўрганилганлик даражаси.** Илмий-техник адабиётларда чорвачилик, паррандачилик, ўсимлик қолдиқлари ва ушбу органик ресурслардан органик моддаларни микроорганизмлар иштирокида гумификацияланишини тезлаштириш, атмосферани молекуляр азотини ўзлаштириш, шунингдек бошқа минерал қўшимчаларни БЎ қайта ишлаш бўйича тадқиқотлар ва амалий натижалар кенг ёритилган. Жаҳон миқёсида М.А. Каровкин, А.В.Лазурский, И.И. Самайллов, И.С. Белюченко, О.А.Мельник, Д.А. Славгородская, Г.М. Нисанбаева, В.Н.Гукалов, И.В. Синяевский, А.В. Казанцев, М.С.Манна, А. Субра Рао каби олимлар ва бошқа бир қатор олимлар томонидан органик моддаларнинг гумификацияланишини

тезлаштирадиган, атмосферанинг молекуляр азотини ўзлаштирадиган микроорганизмлардан фойдаланган ҳолда ҚМГ, парранда гўнги (ПГ) ва органик моддаларни гумификацияланишини таъминлайдиган, атмосфера молекуляр азотини ўзлаштирадиган микроорганизмлардан фойдаланиб гумус табиатли органик ресурслар, шунингдек уларнинг сифатини яхшилаш асосида БЎ олиш технологиясини ишлаб чиқиш бўйича илмий тадқиқотлар ўтказилган. Ўзбекистонда Н.В.Победоноцева, А.Т.Тожиев, Д.Т.Забрамний, Ш.С.Намазов, Б.М.Беглов, Л.Ф.Мелников, Ҳ.Т.Шарипова ва бошқа олимлар БЎ, шунингдек, чорвачилик чиқиндилари, гумус табиатли турли ресурслар ва ФХ дан фойдаланган ҳолда турли гумусли ўғитларни олиш технологиясини ишлаб чиқиш бўйича тадқиқотлар ўтказган.

Бироқ, ФХдаги фосфорни ўзлашмайдиган шаклини ўсимлик ўзлаштирадиган шаклга ўтказиш, органик моддаларни гумификациясини тезлаштирувчи, атмосфера молекуляр азотини ўзлаштирувчи турли фойдали микроорганизмлар тутувчи эритмалар билан биргаликда ҚМГ ва ПГ органик қисмини ГМ айлантириш, чорвачилик, паррандачилик чиқиндиларини қайта ишлашда газ фазага аммиак ва органик моддаларни ажралиб чиқишини камайтириш; ФХни фосфат ёки сульфат кислотанинг тўлиқ бўлмаган меъёрларида парчаланган маҳсулотига ҚМГ билан органик моддаларни гумификациясини тезлаштирувчи, атмосфера молекуляр азотини ўзлаштирувчи турли хил фойдали микроорганизмлар тутувчи эритмалар иштирокида ишлов бериш йўли билан БЎ олиш бўйича илмий тадқиқотлар олиб борилмаган.

**Диссертация мавзусининг диссертация бажарилган олий таълим муассасаси илмий-тадқиқот ишлари билан боғлиқлиги.** Диссертация иши Наманган муҳандислик-технология институти илмий-тадқиқот ишлари режасига мувофиқ АЛМ-202108012 “Маҳаллий хом ашё ва азотфиксацияловчи микроорганизмлар асосида органоминарал ўғитлар олиш технологиясини ишлаб чиқиш” (2021-2022 йй.) мавзусидаги амалий лойиҳа ва ИЗ-2020052114 “Маҳаллий хом ашёлар асосида органик ва мураккаб ўғитлар олишнинг жадаллашган технологиясини ишлаб чиқиш ва уларни Сирдарё вилоятидаги Сардоба сув омбори тошқинидан зарар кўрган ҳудудлар тупроқ унумдорлигини қайта тиклашда қўллаш” мавзусидаги (2021-2022 йй.) инновацион лойиҳа доирасида бажарилган.

**Тадқиқотнинг мақсади** Органик моддаларни гумификацияланишини тезлаштирадиган ва атмосферани молекуляр азотини ўзлаштирадиган фойдали микроорганизмлар консорциуми ёрдамида чорвачилик, паррандачилик чиқиндиларини ва ФХ қайта ишлашни экологик ҳавфсиз технологиясини ишлаб чиқишдан иборат.

**Тадқиқотнинг вазифалари:**

сут кислотаси бактериялари тутган эритмалар концентрацияси ва миқдорини ҚМГ ва ПГ органик моддаларини гумификацияланиш даражасига таъсирини ўрганиш;

ҚМГ ва ПГ сут кислотаси бактериялари тутган эритмалар билан ишлов бериш асосида органик ўғитлар олиш жараёнини ўрганиш;



чорвачилик ва паррандачилик чиқиндилари асосида БЎ олиш жараёнига органик моддаларни гумификациясини тезлаштирувчи фойдали микроорганизмлар консорциуми киритишни органик моддалар гумификацияланиш даражаси ва кинетикасига, аммиакнинг ва органик моддаларни газ фазага ажралиб чиқишига таъсирини аниқлаш;

гумификацияланиш жараёнида ҳосил бўлган органик кислоталарнинг ФХ ўзлашувчан фосфор шакллари ортишига таъсирини аниқлаш;

ўғитларни олиш жараёнида сут кислотаси бактериялари гуруҳлари ва микроблар уюшмаларини динамикасини ўрганиш;

органик моддалар гумификацияланишини таъминлайдиган микроорганизмлар фаолиятига ФХ ва минерал тузлар қўшилишининг таъсирини ўрганиш;

сут кислотаси бактериялари эритмаси, ФХ, минерал тузлар, чорвачилик ва паррандачилик чиқиндилари асосида мураккаб ўғитлар олишни мақбул шароитларини аниқлаш;

сут кислотаси бактериялари эритмаси, ФХ, минерал тузлар, ҚМГ ва ПГ асосида мураккаб ўғитлар олишни жадаллашган технологиясини ишлаб чиқиш;

ФХ минерал кислоталар паст меъёри, органик моддаларни гумификациялашда қатнашадиган фойдали микроорганизмлар иштирокида ҚМГ билан қайта ишлаш асосида мураккаб БЎ олиш жараёнларини ўрганиш;

БЎ дондорлаш жараёнларини ўрганиш, йириклаштирилган лаборатория ва тажриба-саноат ускуналарида дондор БЎ олиш технологиясини синовдан ўтказиш ва маҳсулотларнинг тажриба партияларини ишлаб чиқариш;

дондорланган БЎ олишни моддий балансини тузиш, технологик схемасини ишлаб чиқиш ҳамда мақбул режимини ўрнатиш;

таклиф этилаётган ўғитларнинг техник-иктисодий кўрсаткичларини ҳисоблаш ва уларнинг ҳар хил турдаги тупроқларда агрокимёвий синовларини ўтказиш.

**Тадқиқотнинг объекти** сифатида ҚМГ, ПГ, фосфорит уни, минераллашган масса, шламли фосфорит, бентонит, органик моддаларни гумификациялашда қатнашадиган ва атмосфера молекуляр азотини ўзлаштирувчи микроорганизмлар, фосфоритларни минерал кислота билан парчалаш маҳсулотлари, дондорланган БЎ олинган.

**Тадқиқотнинг предмети**ни органик моддаларни гумификациялашда қатнашадиган ва атмосфера молекуляр азотини ўзлаштирадиган микроорганизмлардан фойдаланиб ҚМГ, ПГ, ФХ қайта ишлаш, органик чиқиндиларни қайта ишлаш жараёнини биопрепаратлардан фойдаланиб тезлаштириш, дондорланган БЎ олишнинг мақбул шароитларини аниқлаш ташкил этади.

**Тадқиқотнинг усуллари** Диссертацияда ишида юқори самарали суюқлик хроматография, кимёвий, ИҚ-спектроскопик ва рентгенографик таҳлил усулларида фойдаланилган.

### **Тадқиқотнинг илмий янгилиги қуйидагилардан иборат:**

органик моддаларни гумификациялашда иштирок этадиган микроорганизмлардан фойдаланиб чорвачилик, паррандачилик чиқиндилари ва ФХ компостлаш асосида БЎ олиш жараёнида органик моддалар гумификацияланишини одатдаги компостлашга нисбатан 1,4 баробар ортиши ва 3,2 баробар жадаллашиши, фосфорнинг ўзлашувчан шаклининг 1,35 баробар ортиши, газ фазага (атмосферага) аммиак ва органик моддаларни мос равишда 2,3 ва 2,5 баробар ажралиб чиқишини камайтириш асосланган;

азотни боғловчи микроорганизмлар иштирокида олинган ўғитларга нисбатан солиштирганда БЎ боғланган азотни 3,4-4,8 баробар кўпайтириш аниқланган;

органик моддаларни гумификацияланишида қатнашувчи ва азотни ўзлаштирувчи микроорганизмлар тутган эритмаларидан фойдаланиб ҚМГ компостлаш асосида БЎ олиш жараёнидаги мақбул параметрлари аниқланган;

ҚМГни минерал кислоталарда фосфорит таркибидаги СаО га нисбатан 40% стехиометрик тўлиқсиз меъёрида фаоллашган фосфоритлар иштирокида компостлаш асосида БЎ олишда органик моддаларни гумификациялашда иштирок этадиган микроорганизмларни фаолланиши, ва фосфоритни қолган 60% фаолланиши микроорганизмлар ва органик кислоталар энергияси ҳисобига содир бўлиши аниқланган;

органик моддаларни гумификациялаш, ФХ парчалаш, ҳамда қишлоқ хўжалигида моддалар айланишига таъсир этиш ва боғланган азот олиш учун микроорганизмлардан фойдаланиш шароитлари аниқланган;

ҚМГни, паррандачилик чиқиндиларини ва ФХни БЎ қайта ишлашда органик моддаларни гумификациялашда қатнашадиган ва молекуляр азотни ўзлаштирувчи микроорганизмлар тутган эритмалардан фойдаланишни самарадорлигига ва экологик хавфсизлигига комплекс баҳо берилган, ўғитлар олишнинг мақбул шароитлари аниқланган ва технологиялари ишлаб чиқилган.

### **Тадқиқотнинг амалий натижалари:**

тупроқлар унумдорлигини ошириш ва деградацияга учраган тупроқларни қайта тиклаш учун чорвачилик, паррандачилик, чиқиндилари, ФХ ва органик моддаларни гумификациялашда қатнашадиган ва молекуляр азотни ўзлаштирувчи микроорганизмлар тутган эритмалар асосида биоорганик ва биорганик минерал ўғитлар олишнинг экологик хавфсиз технологиялари ишлаб чиқилган;

биоорганик ва биорганик минерал ўғитлар олиш жараёнида моддий баланси ҳисобланган, технологик тизими ишлаб чиқилган ва мақбул технологик параметрлари аниқланган;

органик моддаларни гумификациялашда қатнашадиган ва молекуляр азотни ўзлаштирувчи микроорганизмлар тутган эритмалардан фойдаланиб чорвачилик, паррандачилик, чиқиндиларини фаоллашган фосфорит иштирокида қайта ишлаш йўли билан биоорганик минерал ўғитлар олиш технологиялари ишлаб чиқилган.

**Тадқиқот натижаларининг ишончлилиги.** Кимёвий ва физик-кимёвий тадқиқотлар натижалари ишлаб чиқилган технологияларни саноат ишлаб чиқариши шароитидаги қурилмаларда синовдан ўтказилганлиги билан тасдиқланади.

**Тадқиқот натижаларининг илмий ва амалий аҳамияти.**

Тадқиқот натижаларининг илмий аҳамияти органик моддаларни гумификацияланиш даражасини ошириш, органик кислоталар таъсирида фосфоритларни фаоллаштириш, аммиак ва органик моддаларни газ фазага чиқишини камайтириш, микроорганизмлар консорциуми ва молекуляр азотни ўзлаштирувчи микроорганизмлар тутган эритмалардан фойдаланиб органик моддаларни гумификацияланишини жадаллаштириш, қишлоқ хўжалиги ишлаб чиқарилишида моддаларни табиий биологик айланишини таъминлаш учун органик моддаларни гумус моддаларига биоайланишига мақбул шароитлар яратиш учун микроорганизмлар фаолиятини фаоллаштириш шароитларини аниқлаш жараёнларини тизимлаштирилган илмий, кимёвий, физик-кимёвий, технологик, агрокимёвий тадқиқотларини ўтказиш ва асосий қонунятларини аниқлаш билан изоҳланади.

Тадқиқот натижаларининг амалий аҳамияти органик моддаларни гумификациялаш жараёнларини жадаллаштириш, биоорганик ва биоорганик минерал ўғитлар олиш жараёнида аммиак ва органик бирикмаларни газ фазага ажралиб чиқишини камайтириш, органик моддаларни гумификациялаш ва ФХ парчалаш, шунингдек боғланган азотни олиш учун микроорганизмлар энергиясидан фойдаланиш ва қишлоқ хўжалигида моддалар айланишини таъминлашга хизмат қилади.

**Тадқиқот натижаларининг жорий қилиниши.** Органик чиқиндилар, ФХ, органик моддаларни гумификациялашда қатнашувчи микроорганизмлар консорциуми ва азотни ўзлаштирувчи микроорганизмлар эритмалари асосида турли биоорганик ва биоорганик минерал ўғитлар олиш технологияларини ишлаб чиқиш бўйича олинган илмий натижалар асосида:

ҚМГ, азотни ўзлаштирадиган ва органик моддаларни гумификациялашда қатнашадиган микроорганизмлар тутган биопрепаратлар асосида биоорганик ўғитлар олиш технологияси “Elektrokimyozavod” ҚК АЖнинг 2024-2026 йиллардаги жорий этиладиган истиқболли илмий ишланмалар рўйхатига киритилган. (“Elektrokimyozavod” ҚК АЖнинг 2023 йил 14 декабрдаги 167-сон маълумотномаси). Натижада, органик чиқиндиларни экологик хавфсиз қайта ишлаш ва агрокимёвий самарадор биоорганик ўғитлар олиш имконини берган;

ҚМГ, фосфорли хом ашё ва микроорганизмлар консорциумини тутган биопрепарат асосида биоорганик минерал ўғитлар олиш технологияси “Elektrokimyozavod” ҚК АЖнинг 2024-2026 йиллардаги истиқболли ишланмалар рўйхатига киритилган (“Elektrokimyozavod” ҚК АЖнинг 2023 йил 14 декабрдаги 167-сон маълумотномаси). Натижада ҚМГ, ФХ агрокимёвий самарали биоорганик минерал ўғитларга экологик хавфсиз усулда қайта ишлаш имконини берган;

ҚМГ, микроорганизмлар консорциуми, азотни ўзлаштирувчи

микроорганизмлар асосида ва фаоллаштирилган фосфоритлар асосида БЎ олиш технологияси “Ifoda agro kimyo himoya” МЧЖ ҚҚнинг 2024-2026 йиллардаги истиқболли ишланмалар рўйхатига киритилган (“Ifoda agro kimyo himoya” МЧЖ ҚҚнинг 2023 йил 5 декабрдаги 1048-сон маълумотномаси). Натижада, органик чиқиндиларни ва ФХни экологик хавфсиз қайта ишлаш ва агрокимёвий самарадор БЎлар олиш имконини берган.

**Тадқиқот натижалари апробацияси.** Ушбу тадқиқот натижалари 8 та халқаро ва 3 та республика илмий-амалий анжуманларида маъруза қилинган ва муҳокамадан ўтган.

**Тадқиқот натижаларининг эълон қилинганлиги.** Диссертация мавзуси бўйича жами 30 та илмий иш чоп этилган, шулардан, Ўзбекистон Республикаси Олий аттестация комиссиясининг докторлик диссертациялари асосий илмий натижаларини чоп этиш тавсия этилган илмий нашрларда 16 та илмий мақола, жумладан, 7 таси республика ва 9 таси хорижий журналларда нашр этилган.

**Диссертациянинг тузилиши ва ҳажми.** Диссертация кириш, бешта боб, хулоса, фойдаланилган адабиётлар рўйхати ва иловалардан иборат. Диссертациянинг ҳажми 192 бетни ташкил қилади.

## **ДИССЕРТАЦИЯНИНГ АСОСИЙ МАЗМУНИ**

Кириш қисмида ўтказилаётган тадқиқотнинг долзарблиги ва зарурати, мақсади ва вазифалари баён қилинган ва шакллантирилган, тадқиқотнинг объекти ва предмети тавсифланган, республикада фан ва технологияни ривожланишининг устувор йўналишларига мослиги кўрсатилган, олинган натижаларнинг илмий ва амалий аҳамияти, амалиётга татбиқ қилиниши баён этилган, нашр этилган ишлар ва диссертация тузилиши ҳақида маълумот келтирилган.

Диссертациянинг биринчи бобида **“Биоорганик ва биоорганик минерал ўғитларнинг тупроқ унумдорлигидаги аҳамияти, олинishi ва қўлланилиши”** адабиётлар шарҳи келтирилган бўлиб, унда БЎ олиш учун хом ашёлар, органик чиқиндилар, органик моддаларни гумификацияланишини тезлаштирадиган фойдали микроорганизмлар консорциуми, азотни ўзлаштирувчи микроорганизмларнинг тавсифлари келтирилган. БЎ олишнинг усуллари ва уларнинг қишлоқ хўжалигидаги аҳамияти ёритилган. Органик моддаларни гумификацияланишини тезлаштириш ва фосфоритлар ҳамда табиий минераллар билан биргаликда қайта ишлаш учун биопрепаратлардан фойдаланиш экологик мақбуллигини тавсифловчи маълумотлар келтирилган. Адабиётлар таҳлили БЎ олиш технологияларини ишлаб чиқиш ва уларни қишлоқ хўжалигида қўллаш зарурлигини кўрсатган.

Диссертациянинг иккинчи бобида **“Микроорганизмлар консорциумидан фойдаланиб органик чиқиндилар ва Қизилқум фосфоритларини қайта ишлаш”** тадқиқот объектларининг тавсифлари, тажриба ва синовларда фойдаланилган таҳлил усуллари келтирилган, БЎ олиш жараёни ёритилган, чорвачилик, паррандачилик, ФХ ҳамда органик

моддаларни гумификациялашда қатнашувчи ва азотни ўзлаштирувчи микроорганизмларни тутган эритмалар асосида БЎ олиш жараёнларини физик-кимёвий асослари бўйича тадқиқотлар натижалари келтирилган.

Биогумусли ўғитларни олиш жараёнлари тадқиқотлари учун дастлабки хом ашё сифатида таркиби (оғир.%): намлик - 73,21; кул миқдори - 4,32; органик моддалар - 22,56; гумин кислоталар (ГК) - 2,5; фульвокислоталар (ФК) - 2,67; сувда эрувчан органик моддалар (СЭОМ) - 2,52; эримайдиган органик моддалар - 14,79;  $P_2O_5$  - 0,18; N - 0,43;  $K_2O$  - 0,58; CaO - 0,4 бўлган ҚМГ ва таркиби (оғир.%): намлик - 64,78; кул миқдори - 11,29; органик моддалар - 23,93; ГК - 1,04; ФК - 7,27; СЭОМ - 1,28;  $P_2O_5$  - 1,25; N - 0,95;  $K_2O$  - 0,74; CaO - 1,55 дан иборат бўлган ПГ фойдаланилди. ФХ сифатида Марказий Қизилқум (МК) фосфорит уни (ФУ), минераллашган масса (ММ) ва шламли фосфорит (ШФ) фойдаланилди. ММ ва ШФ МК фосфоритларини бойитиш жараёнининг чиқиндилари ҳисобланади. Компостдаги органик моддаларни гумификацияланиш жараёнини тезлаштириш учун микроорганизмлар эритмаси мавжуд бўлган пробиотик бактериялар уюшмалари асосида олинди.

Микроорганизмлар уюшмаси пробиотик хоссаларига эга бўлган сут кислотаси бактерияларини 10 дан ортиқ штаммлари, целлюлозани парчалайдиган *Trichoderma* оиласига мансуб бўлган ачитқининг 2 та штамми ва микромицетларнинг суюқликлари билан ишлов берилиб олинган. Микроорганизмлар штамми сутли маҳсулотлардан ва қишлоқ хўжалиги экинларининг ризосфераси илдизларидан микробиологияда умумэтироф этилган анъанавий усуллар ёрдамида ажратиб олинди. Дастлабки моддаларнинг таркиб ва хоссаларини кимёвий таҳлил ва суюқ хроматография, масса спектроскопия ва рентгенография тадқиқотлари ёрдамида ўрганиш натижалари шуни кўрсатдики, органик чиқиндилар таркибида тирик организмларда учрайдиган ва ўсимлик организмларида муҳим функцияларни бажарадиган аминокислоталарнинг деярли барча спектри, шунингдек ўсимликнинг ўсиш ва ривожланиши учун зарур бўлган бир қатор микроэлементлар мавжудлигини кўрсатди.

Органик чиқиндилар, ФХ ва микроорганизмлар эритмаси асосида БЎлар олиш дастлабки компонентлар оғирлик нисбатларини кенг оғирлик оралиқларида махсус мослаштирилган идишларда амалга оширилди. Дастлаб биопрепарат хлорсиз сувда суюлтирилди ва аралашмага ишлов берилди. Ачитиш (ферментация) жараёнини сифатли таъминлаш мақсадида ишлов берилган компост полиэтилен пленка билан қопланди.

Тайёрланган компостдан ҳар ўн кунда наъмуналар олинди ва биопрепаратни органик моддаларни гумус моддаларига (ГМ) айлантиришига, рН муҳитини ўзгаришига, азот миқдори ва компостдаги органик моддалар миқдори, шунингдек  $P_2O_5$  нинг барча шакллари таъсири аниқланди. Натижалар биопрепарат билан ишлов бериш компостнинг етилишини тезлаштиришига ва ундаги ГК, ФК ва СЭОМ миқдорларини оширишга ижобий таъсир этишини кўрсатди (1-жадвал). Агар 10 кундан кейин биопрепарат билан ишлов бермасдан тайёрланган компостда ГК, ФК ва СЭОМ миқдори

2,73%, 2,88% ва 2,64% бўлса, 100 г ҚМГ га нисбатан дастлабки

1-жадвал

**Микроорганизмлар уюшмаси эритмаси билан ишлов берилган ҚМГ ва ШФ  
асосида олинган компостлар кимёвий таркибининг ўзгариши**

ҚМГ : ШФ : биопрепарат нисбати	P <sub>2</sub> O <sub>5</sub> ум, %	P <sub>2</sub> O <sub>5</sub> ўзл. 2% ли лим. к-та,(%)	P <sub>2</sub> O <sub>5</sub> ўзл. Тр.Б, (%)	СаО <sub>уму</sub> , %	Орг. мод- лар, %	ГК, %	ФК, %	СЭОМ, %	К <sub>2</sub> O, %	N <sub>ум</sub> , %	Нам- лик, %
Тайёрлаш кунда											
100 : 10	1,04	23,09	25,033	3,433	16,30	1,67	1,77	1,62	0,439	0,348	63,91
100 : 10 : 0,5	1,03	23,48	25,346	3,420	16,24	1,67	1,76	1,62	0,438	0,347	64,05
100 : 10 : 1	1,03	23,91	25,972	3,408	16,18	1,66	1,75	1,61	0,436	0,346	64,18
100 : 10 : 2	1,02	24,29	26,309	3,382	16,06	1,65	1,74	1,60	0,433	0,343	64,45
100 : 10 : 4	1,01	24,65	26,796	3,332	15,82	1,63	1,71	1,57	0,426	0,338	64,97
10 кундан кейин											
100 : 10	1,07	28,51	28,466	3,541	16,81	1,81	1,91	1,75	0,453	0,347	62,78
100 : 10 : 0,5	1,07	29,00	29,232	3,541	16,81	2,00	2,10	1,93	0,453	0,348	62,78
100 : 10 : 1	1,07	29,54	29,766	3,541	16,81	2,05	2,16	1,99	0,453	0,349	62,78
100 : 10 : 2	1,06	30,00	30,241	3,527	16,75	2,10	2,21	2,03	0,451	0,348	62,93
100 : 10 : 4	1,05	30,44	30,694	3,473	16,49	2,12	2,23	2,05	0,444	0,344	63,49
20 кундан кейин											
100 : 10	1,10	30,02	30,531	3,655	17,35	2,08	2,20	2,02	0,468	0,352	61,58
100 : 10 : 0,5	1,10	35,38	38,442	3,655	17,35	2,30	2,43	2,23	0,468	0,355	61,58
100 : 10 : 1	1,10	35,83	38,814	3,655	17,35	2,41	2,55	2,34	0,468	0,355	61,58
100 : 10 : 2	1,10	35,59	39,591	3,633	17,25	2,46	2,59	2,38	0,465	0,354	61,81
100 : 10 : 4	1,08	36,32	40,577	3,583	17,01	2,54	2,67	2,45	0,458	0,351	62,34
30 кундан кейин											
100 : 10	1,15	34,94	36,969	3,808	18,08	2,52	2,66	2,44	0,487	0,357	59,97
100 : 10 : 0,5	1,15	46,06	49,950	3,808	18,08	2,75	2,90	2,66	0,487	0,361	59,97
100 : 10 : 1	1,15	46,84	50,564	3,808	18,08	2,87	3,02	2,78	0,487	0,362	59,97
100 : 10 : 2	1,14	47,58	51,028	3,792	18,01	2,97	3,13	2,88	0,485	0,362	60,13
100 : 10 : 4	1,13	49,27	51,655	3,761	17,86	3,01	3,17	2,92	0,481	0,362	60,46
40 кундан кейин											
100 : 10	1,21	41,15	43,894	4,011	19,04	2,97	3,13	2,88	0,513	0,364	57,84
100 : 10 : 0,5	1,21	56,93	61,642	4,011	19,04	3,16	3,33	3,06	0,513	0,370	57,84
100 : 10 : 1	1,21	58,02	62,524	4,011	19,04	3,28	3,46	3,17	0,513	0,371	57,84
100 : 10 : 2	1,21	59,79	63,939	3,993	18,96	3,33	3,51	3,22	0,511	0,372	58,03
100 : 10 : 4	1,19	63,02	65,644	3,941	18,71	3,36	3,54	3,25	0,504	0,371	58,57
50 кундан кейин											
100 : 10	1,26	47,275	50,367	4,158	19,74	3,37	3,56	3,27	0,532	0,362	56,29
100 : 10 : 0,5	1,26	65,115	70,122	4,158	19,74	3,52	3,71	3,41	0,532	0,370	56,29
100 : 10 : 1	1,25	66,950	71,723	4,158	19,74	3,58	3,78	3,47	0,532	0,373	56,29
100 : 10 : 2	1,25	69,124	73,463	4,139	19,65	3,64	3,83	3,52	0,530	0,373	56,49
100 : 10 : 4	1,23	73,671	76,119	4,083	19,39	3,67	3,87	3,56	0,523	0,374	57,08
60 кундан кейин											
100 : 10	1,28	52,666	56,179	4,255	20,21	3,53	3,73	3,42	0,545	0,356	55,12
100 : 10 : 0,5	1,29	69,092	74,054	4,275	20,30	3,65	3,85	3,53	0,547	0,367	54,96
100 : 10 : 1	1,30	70,548	75,226	4,296	20,40	3,77	3,97	3,65	0,550	0,372	54,71
100 : 10 : 2	1,30	72,890	77,082	4,316	20,50	3,92	4,13	3,79	0,552	0,377	54,48
100 : 10 : 4	1,31	77,152	79,321	4,337	20,59	4,09	4,31	3,96	0,555	0,387	54,29

биопрепаратнинг 2 мл билан ишлов бериш билан тайёрланган компостда юқоридаги моддаларнинг таркиби мос равишда 3,03%, 3,20% ва 2,94% ни ташкил этди. Шунингдек ўғит олиш жараёнида биопрепаратни газ фазага ажралиб чиқаётган азотли моддалар ва органик моддалар миқдорларига таъсири аниқланди. ҚМГ биопрепарат билан ишлов бериш орқали компост тайёрлашда азотнинг аммиак кўринишида ва органик моддаларни йўқотилишлари сезиларли даражада камайиши аниқланди. Мақбул шароитларда олинган БЎ қуйидаги таркибга эга (оғир. %):  $P_2O_{5\text{умум}}$  -0,37; органик моддалар -28,81; ГК-5,88; ФК-6,19; СЭОМ – 5,69; азот – 0,61;  $K_2O$  – 0,96; намлик-53,93. ҚМГ ва ШФ асосида олинган аралашмани биопрепарат билан ишлов бериш ҳам компостнинг етилтиришини тезлашишига ва аралашмадаги фосфорнинг ўзлашувчан шакллари кўпайишига, ГК, ФК ва СЭОМ миқдорини ортишига ижобий таъсир кўрсатди. Агарда ҚМГ : ШФ: биопрепарат = 100 : 10 : 0 нисбати бўйича тайёрланган компостда, яъни биопрепарат билан ишлов берилмаганда, 30 кундан кейин  $P_2O_{5\text{ўзл}}$  Трилон Б ва 2% ли лимон кислотаси эритмаси бўйича нисбий ўзлашувчан шакллари дастлабкига нисбатан мос равишда 30,81 ва 11,50% дан 36,97 ва 34,94% гача ортган ҳамда ГК, ФК ва СЭОМ таркиби эса тегишлича 2,52%, 2,66% ва 2,44% ни ташкил этган бўлса, ҚМГ : ШФ: биопрепарат = 100 : 10 : 2 нисбатида тайёрланган компостда эса  $P_2O_{5\text{ўзл}}$  нинг Трилон Б ва 2% ли лимон кислотаси эритмаси бўйича нисбий ўзлашувчан шакллари дастлабкига нисбатан мос равишда 30,81 ва 11,50% дан 51,03 ва 47,58% гача ортди, ГК, ФК ва СЭОМ таркиби тегишлича 2,97%, 3,13% ва 2,88% ни ташкил этди.

2-жадвал


**ҚМГ ва ШФ ни микроорганизмлар уюшмаси эритмаси билан ишлов бериш пайтида азот, органик моддаларнинг йўқолиши ва органик моддаларнинг гумификацияланиш даражасининг ортиши**

ҚМГ:ШФ: микроорганизмлар уюшмаси эритмаси	100 : 10	100 : 10 : 0,5	100 : 10 : 1	100 : 10 : 2	100 : 10 : 4
Азот йўқотилиши, %	17,65	15,36	14,65	13,87	12,05
Орг. моддаларнинг йўқотилиши, %	13,25	11,14	10,35	9,57	8,96
Орг.моддаларнинг гумификацияланиш даражаси, %	60,19	64,17	65,37	67,04	68,29

Шунингдек компостлаш жараёнида биопрепаратларни азот тутувчи моддалар ва органик моддалар миқдорларини газсимон фазага чиқишига таъсир қилиши аниқланди. Биопрепарат билан ишлов бериш йўли билан компост тайёрлаш азот тутган моддалар ва органик моддаларни йўқотилишини сезиларли даражада камайтиради (2-жадвал). Органик моддаларнинг гумификацияланиш даражасини, фосфорнинг ўзлашувчан шакллари миқдорини агрокимёвий нуктаи назаридан келиб чиқиб, дастлабки моддаларнинг мақбул нисбати ҳамда компостнинг етилиш муддати аниқланди. Бунда мақбул нисбат ҚМГ : ШФ : биопрепарат = 100 : 10 : 2 ни ташкил этди. Компостнинг етилиш муддати 60 кун бўлди. Мақбул

шароитларда олинган БЎ таркиби куйидагича (оғир. % ):  $P_2O_{5\text{умум}}$  - 1,3;  $P_2O_{5\text{ўзл}}$ . Трилон Б бўйича – 1,01;  $P_2O_{5\text{ўзл}}$ . лимон кислотаси бўйича -0,93; органик моддалар - 20,50; ГК - 3,92; ФК - 4,13; СЭОМ - 3,79; азот - 0,38;  $K_2O$  - 0,55. Шунга ўхшаш ўғитлар ПГ дан фойдаланилганда ҳам олинган, бироқ бунда озуқа миқдори юқори бўлган.

Тадқиқотни кейинги босқичида олдинги тадқиқотлардан фарқли компостни микробиологик биопрепарат – фаоллаштирувчи сифатида *Azotobacter chroococcum*, *Bacillus licheniformis*, *Streptomyces* sp., *Bacillus subtilis*, *Pseudomonas stutzeri* 73; *Bacillus cereus* 356, *Bacillus* sp., *Lactobacillus plantarum* тутувчи микроорганизмлар консорциуми (кейинчалик биопрепарат) дан фойдаланилди. Ушбу микроорганизмлар турли хил гидролитик ферментларни ишлаб чиқариш ва органик моддаларни парчаланишини тезлаштиришдан ташқари, компостни азотли бирикмалар, ўсимликларнинг ўсиши ва ривожланиши таъминловчи стимуляторлари билан бойитишга ёрдам беради, шунингдек патоген, шартли патоген ва чиритувчи микрофлоранинг ривожланишини тўхтатади. 1 мл дастлабки биопрепаратда  $15-20 \cdot 10^6$  микроорганизмлар хужайралари мавжуд. Хом ашё сифатида ҚМГ, ПГ, ФУ ва ММ фойдаланилди. Компост куйидаги ҚМГ (ПГ) : ФУ (ММ) : биопрепарат = 100 : 10 : (0,5-4). нисбатларда тайёрланди. ҚМГ (ПГ): ФУ (ММ) : биопрепарат = 100: 10: 0 нисбатларда тайёрланган, яъни биопрепарат билан ишлов берилмаганда, 60 кундан кейин  $P_2O_{5\text{ўзл}}$  нинг Трилон Б ва 2% ли лимон кислотаси эритмаси бўйича нисбий ўзлашувчан шакли дастлабки 17,57 ва 17,74% дан мос равишда 49,92 ва 48,43% гача ортган ҳамда ГК, ФК ва СЭОМ миқдори тегишлича 4,05%, 4,15% ва 3,92% ни ташкил этган бўлса, у ҳолда ҚМГ (ПГ) : ФУ (ММ) : биопрепарат = 100 : 10 : 2 нисбатида тайёрланган компостда  $P_2O_{5\text{ўзл}}$  нинг Трилон Б ва 2% ли лимон кислотаси эритмаси бўйича нисбий ўзлашувчан шакли мос равишда дастлабки 17,57 ва 17,74% дан 66,45 ва 69,09% гача кўпайди ҳамда ГК, ФК ва СЭОМ миқдори 4,97%, 5,18% ва 4,82% ни ташкил этди.



**1-расм. ҚМГ, ШФ ва биопрепарат асосида биоорганоминерал ўғит олишнинг принципиал технологик схемаси.**

1-фосфат хомашёси бункери; 2-биопрепарат учун сифимли идиш; 3, 6-элеваторлар; 4-шнекли аралаштиргич; 5- компостлаш учун хандақ; 7-болғали силлиқловчи машина; 8-куворли элеватор; 9-барабанли аралаштиргич-намлагич; 10-шнекли майдалагич; 11-



дискли доналаштиргич; 12-силлиқловчи қурилма; 13-фракцияларга ажратиш қурилмаси (элак); 14 – майда фракцияларни қайтариб узатувчи қурилма; 15 – қадоқловчи жиҳоз.

Гўнг ва ФУ асосида тайёрланган компостни биопрепаратдан фойдаланиб қайта ишлаш туфайли азотнинг йўқотилиши 19,45 дан 16,76% гача, органик моддалар 14,72 дан 11,67% гача камайди. Органик моддаларнинг гумификацияланиш даражаси, фосфорнинг ўзлашувчан шаклининг миқдори ва агрокимёвий нуктаи назардан келиб чиқиб, дастлабки моддаларнинг мақбул нисбатлари ва компостнинг етилиш муддати аниқланди. Мақбул нисбат ҚМГ: ФХ : биопрепарат = 100 : 10 : 2 ҳисобланади. ФУ дан фойдаланиб олинган БЎ мақбул шароитлардаги таркиби қуйидагича (оғир. %):  $P_2O_{5\text{умум}}$  – 1,83;  $P_2O_{5\text{ўзл}}$ . Трилон Б кўра - 1,2;  $P_2O_{5\text{ўзл}}$ . лимон кислотасига кўра -1,25; органик моддалар - 19,79; ГК - 4,97; ФК - 5,18; СЭОМ - 4,82; азот - 0,43;  $K_2O$  - 0,63. Тадқиқот ва тажриба синовлари натижалари асосида БЎ олишнинг технологик схема ишлаб чиқилди ва моддий баланси ҳисобланди (1-расм).

Диссертация ишининг “Азотфиксацияловчи микроорганизмлар тутган эритмалар, гумус табиатли органик моддалар ва табиий агрорудалар асосида биоорганик ўғитлар олиш” учинчи бобида етилтирилган компост, бентонит, фосфат хомашёси ҳамда таркибида азотни ўзлаштирувчи микроорганизмлар бўлган эритма билан ишлов бериш асосида БЎ олиш технологиясини ишлаб чиқиш бўйича тадқиқот, шунингдек юқорида кўрсатилган ўғитларни олишнинг тажриба синов натижалари келтирилган.

Биоорганик ўғитларни олиш жараёнларини ўрганиш учун дастлабки компонент сифатида ҚМГ асосида етилтирилган ва таркиби (оғир. %): намлик – 55,4; органик моддалар - 26,53; ГК-7,1; ФК-3,67; СЭОМ-2,52; эримайдиган органик моддалар - 13,24;  $P_2O_5$  - 0,28; N - 0,51;  $K_2O$  - 0,58;  $CaO$  - 0,59 дан иборат бўлган компосдан фойдаланилди. Агроруда сифатида Навбахор кони бентонитидан фойдаланилди. Бентонит гилининг таркиби 3-жадвалда келтирилган.

### 3-жадвал

Навбахор кони бентонитининг кимёвий таркиби, (оғир. %)

$SiO_2$	$TiO_2$	$Al_2O_3$	$Fe_2O_3$	$MgO$	$MnO$	$CaO$	$Na_2O$	$K_2O$	$P_2O_5$	$SO_3$	$H_2O$	$CO_2$
46,06	0,39	8,78	3	4,33	0,27	12,2	0,75	1,05	0,77	1,39	6	9,35

Атмосферанинг молекуляр азотини ўзлаштирувчи микроорганизмларни ўз ичига олган эритма унумдор тупроқдан микробиологияда умумэтироф этилган анъанавий усулда ажратиб олинди. Дастлаб, биопрепарат сувда суюлтирилди ва аралашма ушбу эритма билан ишлов берилди. Микроорганизмлар томонидан азотнинг ўзлаштирилишини таъминлаш учун аралашма юзаси ёпилмади в зичлаштирилмади. Лаборатория шароитида тажрибалар махсус идишларда қуйидаги нисбатларда ўтказилди: етилтирилган компост : бентонит: биопрепарат = 100 : (2,5-10) : (0,5-4). Тайёрланган аралашмалардан ҳар ўн кунда намуналар олинди ва микроорганизмлар сони, азот миқдори, органик моддалар ГМ га айланиши,

pH ва умумий фосфор миқдорининг ўзгариши аниқланди.


